



Бир неча йилдан бери баъзи мажлисларда русча фўрма киймак ва «ташаббух» масаласи хусусида узун мубохасалар бўлуб, баъзан бу мубохасалар мунозаъа ила тамом бўлурки, бир неча мартаба кўзимиз ила кўрдук. Мажлисдаги зотларнинг барчаси авом синфидан бўлса эди, биз аларнинг сўзига ахамият бермас эдук. Лекин бир узр сабабли фўрма кийганлар хакида акфор ҳукмларини аксар вақт мухтарам уламомиз огизларидан эшитармиз. Фўрма кийган нари турсин, хатто уйининг тагини пол ва устини тунука килганларни ёки уй ичида устал, устол, суврат каби нарса хўйганларни акфор килинур. Бу масала хакида Туркистоннинг ҳар бир шахрида доимо мубохасалар бўлуб турадур. Баъзан жаридаларга ҳам ёзиладур. Агар филвохеъ фўрма киймок ила ёинки озгина ташаббух ила одам кофир бўлаверса, бул сувратда мусулмонларнинг холи мушкул бўлур. Чунки замон ва маданиятнинг иктизоси биз, Туркистон мусулмонларини фўрма киймокга ва олати мадания истеъмол этмакга мажбур килиши табиийдур. Чунончи, биз бу кун ўғлимизни шаҳар мактаби ва гимназияга кўймакчи бўлсак ёки бир неча йилдан сўнг Туркистон мусулмонларидан аскар олинса, ул холда, албатта, русча фўрма, шапка киймок мажбурий бўлур. Хозирда бу икки холнинг аввалгисини кўруб ҳам мажбурий суратда қабул килуб турубмиз. Замони келганда, иккинчисини ҳам қабул килсак керак. Энди келайлук жузъий ташаббухлар масаласигаки, бу: курси (устул)га ўлтурмок, кошук ва чинкича истеъмол этмак, медал тахмок, хавонинг иссиғлиги учун бош ялангоч ўтурмок каби шайлардан иборатдур. Агар бу жузъий ташаббухлар илада киши кофир бўлаверса, бас, ер юзида бир нафар ҳам мусулмон колмаслиги лозим келурки, бу мумтанеъдур. Чунки замоннинг мурури ила баъзи расм ва одатлар доимо ўзгаруб турадурки, бу ўзгариш бобомиз хазрати Одам замонидан бери воқеъ бўлуб келмокдадур. Мундай расм ва одатлар ичида фойдали ва яхшиси бўлганидек, ёмон ва зарарлиги ҳам бордур. Чунончи, бурунги замонда исрофлик тўй ва аза ва базми жавон каби ёмон одатларимиз йўк эди, сўнгра пайдо бўлди. Қабул этдук. Эмди мунинг кўлидан осонлик ила кутула олмай турубмиз. Агарда мундан сўнг ёмон одатларни ташлаб, анинг ўрнига дин ва

дунёмизга фойдалиқ одатларнинг қабули садрига тутунсак, бу тўғруда шариатимиз ҳам монё бўлмаса керак. Максадимиз шариат нуктаи назаридан кийим ва ташаббух масаласини баён этмак эдики, бу ҳақда ўз тарафимиздан ҳеч нимарса демай, собик Миср муфтиси уламои шаҳир марҳум Муҳаммад Абдух ҳазратларининг берган фатвосини тубанда ёзмак ила иктифо килурмиз. Мушорун илайхи деюр: «ишляпа» ва «шапка» ва бошқа Оврупо кийимларини киймок шариати исломияча ҳеч бир зарарлиқ эмасдур. Яъни шаръан мутлако дурустдур.

Мунга инкор килувчилар, суннати расул, тарихи умматдан хабарсиз одамлардур. Буларнинг далиллари ҳам «Ман ташаббаҳа бикавмин фахува минхум» ҳадисидур (Ким бирор кавмга ўхшашга интилса, у ўшалардандир). Холбуки бу ҳадис баъзи улуг олимларнинг сўзига караганда, заиф ҳадислардандур. «Мавзуъат ул-кубро лил-алламатини аш-Шавкони раҳматуллоҳи таоло» ҳар холда баъзи заиф бўлмаган таҳдирда ҳам буларнинг максудига далил бўлмайдур. Маа мо фийҳ шунинг ила истидлол этарлар, тўғриси, истидлол этган кишиларга таклид этарлар. Холбуки, бу ҳадиснинг маъноси бутун бошқадур. Мундаги ташаббухдан мурод ўзга динда бўлган халқнинг динларини ва ахлоқи динияларини улуглаб, ани яхши деб ўхшамокни тиламакдур. Йўқ эса аходисда собитдурки, расулимиз саллаллоҳу алайҳи васаллам румлар жуббасини, кисрои тайласонларини киюбдурлар («Мироҳот ул-мафотих», жилди аввал, саҳифа 341 ва соир) ва асҳобил киромга ҳам шундай кийимлар кийганлари учун ҳеч нарсаяйтмабдурлар. Ва «Саҳихи Муслим»да «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам хинд мажусийларининг бошларига киядурган икки кулокли нарсаларини кийган» деб накл этилмишдур.

Ва «Мезони кубро» китобида ҳам Имом Молиқнинг мажус подшоҳи ҳадя этуб берган «кулоҳ»ни кийганлари зикр килингандур. Асҳоби киром шаҳарларнинг фатҳи учун турли ерларга таркалганда қайси шаҳарни олсалар, шул шаҳар халқининг кийимларини кийгандурлар. Хатто баъзан насоро кизларини никохлаб олгандурлар. Магар ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу «Ижоби маслаҳат» учун зиййи аъожим (ажамлар киёфатини) ташлангиз, деб амр ёзибдурларки, мундан максадлари ташаббухдан сакланмок эмас, балки «кибру таррафа»га сабаб бўлмасундур. Тарихга карасангиз кўрарсизки, ҳулафодан ал-Мансур Биллоҳ муслмонларга куффорлар кулоҳлари қаби кулоҳлар киймокка амр этган ва мунга ҳеч ким инкор этмагандур. Демакки, «ман ташаббаҳа»дан мурод «ташаббух фил-либос вал-хайъат» эмасдур. Йўқса, пайгамбаримиз ва бурунги дииндошларимизнинг шундай бўлмоклари лозим бўладур. Агарда кийим киймок умури шаръиядан бўлса эди, бу тўғрида пайгамбаримизга мутобаат этмак вожиб бўлур эди. Холбуки, бизлар киядурган либосларнинг кўбиси пайгамбаримиз кийган либосларига ўхшамайдур. (Ушбу ҳусусда сўз кўб эди. Бул ерга мухтасар килинди.)

«Ойина». 1914 йил 14 июн. №34